

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАЛИМОВА НАРГИЗА ЮСУФОВНА

**ГИПЕРПРОЛАКТИНЕМИЯДА МЕТАБОЛИК ВА НЕЙРОКОГНИТИВ
УЗГАРИШЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

УЎК: 616.61- 036.12 : 616.462- 089.843

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Халимова Наргиза Юсуфовна

Гиперпролактинемияда метаболик ва нейрокогнитив узгаришларни ташхислаш ва даволаш..... 3

Халимова Наргиза Юсуфовна

Диагностика и лечение метаболических и нейрокогнитивных нарушений при гиперпролактинемии..... 37

Khalimova Nargiza Yusufovna

Diagnosis and treatment of metabolic and neurocognitive disorders in hyperprolactinemia 78

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....85.

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХАЛИМОВА НАРГИЗА ЮСУФОВНА

**ГИПЕРПРОЛАКТИНЕМИЯДА МЕТАБОЛИК ВА НЕЙРОКОГНИТИВ
УЗГАРИШЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2384 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.endomarkaz.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Холикова Адлия Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори.

Расмий оппонентлар:

Нажмутдинова Дилором Камаритдиновна
тиббиёт фанлари доктори, профессор.
Джурасева Азиза Шахзадэевна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

Етакчи ташкилот:

Тошкент Педиатрия Тиббиёт Институти

Диссертация ҳимояси Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: info@endomarkaz.uz).

Диссертация билан Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ кунни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.Ю.Халимова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

У.А. Мирсаидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари буйича фалсафа доктори(PhD)

Г.О. Алимухамедова

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда гиперпролактинемия (ГПРЛ) клиник эндокринологияда энг кенг тарқалган муаммолардан биридир. Гипотиреоз билан оғриган беморлар, нейролептиклар фойдаланувчилари, бепуштлик билан оғриган беморлар ва соғлом пременопаузал аёллар каби айрим популяцияларда гиперпролактинемиянинг тарқалиши кенг ўрганилган. Диссертациямизда биз гиперпролактинемия (ГПРЛ) диагностикаси ва даволаш хусусиятларини, айниқса унинг метаболик бузилишлар асосида туриши ва нейрокогнитив функцияларга таъсирини ўргандик. Клиник маълумотлар юқори пролактин даражасининг семизлик ва дислипидемия, глюкоза интолеранси ва инсулинга сезувчанликнинг пасайиши каби метаболик касалликларнинг кўпайиши билан боғлиқлигини кўрсатади ва пролактин даражаси допамин агонистлари билан нормаллашганда бу касалликларнинг аксарияти яхшиланиши чуқур урганиб чиқилди. Патологик гиперпролактинемия жигарранг ёғ тўқималарига кучли таъсир кўрсатади, термогенетик маркёрларни камайтиради ва тўқималарнинг оқаришига олиб келади. Бундан ташқари, юқори пролактин миқдори тери ости оқ ёғ тўқимасида липоген маркерларни ўзгартиради ва жуда тўйинган ёғлар туфайли глюкоза интолерансини кучайтиради.

Жаҳонда hozirgi кунга келиб кандли диабет, метаболик синдром, ортикча вазн ва шу билан боғлиқ холда ривожланувчи асаб ва рухий нуқсонларини келиб чиқиши бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада конда ПРЛ миқдорининг ошиши ва у билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам углевод ва липид спекторидаги ўзгаришларда таалукли омилларини исботлаш марказий Европа давлатлари Британия ва Неаполь университети, Швеция давлатлари олимлари (Rosa Rirchio, Annamariya Colao, genata Auriemma) томонидан купгина тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари Урта осие ва Хитой олимлари (Yao S, Song J, Gao J, Lin P, Yang M, Zahid KR, Yan Y, Cao C), ҳам конда ПРЛ миқдори билан боғлиқ муаммоларга жуда катта эътибор қаратишмоқда. Бу борада Япония миллий университети олимлари Nagano M, Kelly PA, Kondo T, Banno H, Okunomiya T, Amino Y, Endo K, Nakakura A, нинг гипер- ва гипопролактинемияга боғлиқ муаммоларга қаратилган тадқиқотлари алоҳида илмий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, эндокринология соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштириш, соҳадаги ишчиларнинг илмий салоҳиятини оширишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»¹ каби вазифалар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда республика аҳолисига ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, шунингдек, давлат муҳофазасига муҳтож аҳоли ўртасида касалликларнинг ривожланишига қарши профилактика чораларини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2022 йил 26 январдаги ПҚ-102-сон «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот миллий ривожланиш стратегиясининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг IV булимига мувофиқ «Тиббиёт ва фармакология», Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Пролактин (ПРЛ) - лактация, кўпайиш, метаболизм ва иммунитетни тартибга солишда иштирок этадиган гипофиз безининг кўп функцияли гормонларидан биридир. Физиологик гиперпролактинемия (ГПРЛ) ҳомиладорлик, семириш, жисмоний фаоллик ва стресс пайтида кузатилади. Йиғилган экспериментал маълумотлар шуни кўрсатадики, пролактин меъёрий курсаткиларда β хужайраларининг кўпайишини рағбатлантириши, инсулин сезгирлигинива секрециясини яхшилаши мумкин. Шунингдек, у адипогенезни бошқаришда, липид метаболизи ва яллиғланишни тартибга солиш учун адипокин вазифасини бажаради. Турли тадқиқотларга кўра, бугунги кунга қадар кон зардобдаги пролактиннинг патологик юкори курсаткичлари ва метаболик параметрлар: артериал кон босимининг ошиши, бел атрофи айланасининг ошиши, аорта томири котиб қолиш ҳолатлари, ўлим ҳолатлари орасида ижобий боғлиқлик аниқланган. Аммо шу билан бирга, бошқа тадқиқотлар зардобдаги ПРЛ даражаси ва юрак-қон томир ҳодисалари, юрак мушакларининг қайта тикланиши(ремоделяция), диабет, метаболик синдром, НОМА индекси ва салбий липид профиллари каби метаболик параметрлар ўртасидаги тесқари муносабат борлигини кўрсатди. Шунинг учун зардобдаги ПРЛ даражаси ва ГПРЛдаги метаболизм даражаси ўртасидаги боғлиқлик қушимча текширулар олиб бориш ва ҳолатни тугри баҳолашни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикасида фертил ёшдаги аёлларда гиперпролактинемия муаммоси мавзуи катор олимлар томонидан урганган, хусусан проф. Халимова З. Ю., т.ф.д Носирова Х. К., т.ф.д. Холиқова А.О., ф.ф.н. Сафарова М. S. ва бошқалар томонидан академик Ё. Х. Тўрақулов номидаги Республика Ихтисослаштирилган илмий Амалий Эндокринология Тиббиёт Марказида «Турли генездаги гипофиз аденомаларида ГПРЛ нинг оқибатлари» мавзусида кенг ёритилиб борилган. Бундан ташқари, Гозиева С., тадқиқотида – "Менопаузали аёлларда гиперпролактинемия", проф. Д.К.Нажмутдинова раҳбарлигида Н.Р.Адҳамова нинг "Фертил ёшдаги аёлларда гиперпролактинемиянинг клиник ва генетик параллеликлари" иши, шунингдек Д.Т. Янгибаеванинг "Репродуктив ёшдаги аёлларда гиперпролактинемия ҳақида замонавий ғоялар" 2016 й. каби илмий ишлар Тошкент Тиббиёт Академияси хузурида урганган. Бироқ, гиперпролактинемиянинг аёлларда метаболик ва нейрокогнитив функцияларга таъсири ҳали ўрганганмаган.

Юкорида келтирилган мулохазалар ва адабиётлардан олиб борган изланишларимиз мазкур тадқиқотимизни утказишга такозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий ташкилотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги академик Ё. Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган Эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади гиперпролактинемиянинг ўсимтасиз шакллари бўлган аёлларда метаболик гомеостаз ва нейрокогнитив функциялар ҳолатини баҳолаш, уларни даволаш усулларини оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ГПРЛ билан оғриган беморларда ўсимта бўлмаган ГПРЛ шакллари ва унинг метаболик таъсирини (антропометрия, глюкоза, гликирланган гемоглобин, инсулин НОМА индекси, липид спектори) ПРЛ нинг кондаги даражаси ва давомийлигини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш;

Метаболик ўзгаришларнинг ривожланиши ва ГПРЛ баландлиги даражаси ўртасидаги узаро боғлиқликни аниқлаш;

Гиперпролактинемия билан оғриган беморларда нейрокогнитив функциялар ҳолатини (MMSE тестлари ва Монреал нейрокогнитив функцияларни баҳолаш шкаласи ёрдамида-МоСА) унинг даражаси ва давомийлигига қараб баҳолаш;

фГПРЛ билан касалланган аёлларда Каберголин ва «Прутняк» мевасининг экстракти асосида тайёрланган Цефанорм фитопрепаратнинг фГПРЛдаги метаболик узгаришлар ва нейрокогнитив функцияларга қийсий ва комплекс таъсирини таҳлил қилиш;

фГПРЛ билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида гиперпролактинемия билан касалланган 850 нафар 18 ёшдан 48 ёшгача бўлган фертил ёшдаги, бизнинг ишимиз учун

киритиш меъзонларимизга асосланган холда функционал ГПРЛли 200нафар бемор аёллар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар анамнези, объектив текшириш, антропометрик маълумотлар, бўй, вазн, ОТ, ҳажм, ТВИ (ИМТ), лаборатория диагностикаси учун: қон зардоби, гормонал тадқиқотлар: ПРЛ, тестостерон, 17-ОП, ТТГ, эркин-Т4, Анти-ТПО; қоннинг тўлиқ углевод ва липид спектри, гормонал параметрларни аниқлаш учун иммун хемилуминесанс таҳлили (ИХЛА), инструментал диагностика усуллари: сут/безининг, қалқонсимон без, ут-коп жигар, тухумдон / бачадон, ултратовуш текшируви, пулсни ўлчаш, қон босими, ЭКГ натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда сўровнома, клиник, биокимёвий, гормонал тадқиқотлар (қон зардоби, сийдик), функционал тестлар, инструментал ва статистик усуллари, турли халқаро сўровномалар ёрдамида беморларнинг когнитив ҳолатини баҳолашда фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Илк мартаба пролактиннинг метаболик жараёнларга ва когнитив фаолиятга таъсири механизмларини баҳолаш асосида функционал гиперпролактинемия билан оғриган беморларда гиперпролактинемия давомийлиги, унинг оғирлиги даражасига қараб ва метаболик касалликларнинг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

функционал гиперпролактинемия билан оғриган беморларда когнитив бузилишлар механизмларини тузатиш йўллари асослайдиган нейрокогнитив касалликлар ва гиперпролактинемия давомийлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

функционал гиперпролактинемия билан касалланган аёлларда метаболик ва нейрокогнитив функциялар бўйича Каберголин дори воситаси ва прутняк меваси экстрактига асосланган фитопрепарат "Цефанорм®" нинг самарадорлиги исботланган;

функционал гиперпролактинемия билан касалланган аёлларда халқаро MMSE сўровномалари ва Монреал шкаласи ёрдамида нейрокогнитив бузилиш даражасини баҳолаш асосида касалликни ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

- фГПРЛдаги гормонал параметрлар ўрганилди
- фГПРЛда ГПРЛ касалликларининг структура тузилиши аниқланди
- фГПРЛ билан оғриган беморларда касалликнинг оғирлиги ва давомийлигига қараб углевод ва метаболик касалликларни, шунингдек когнитив касалликларни эрта ташхислаш усули тавсия этилди
- фГПРЛда МС ва когнитив бузилишларнинг ривожланишининг прогностик параметрлари ишлаб чиқилган
- фГПРЛ билан касалланган аёлларда халқаро MMSE сўровномалари ва Монреал шкаласи(MoCA) ёрдамида нейрокогнитив бузилишлар даражасини баҳолаш учун қулай варианты таклиф этилди
- фГПРЛнинг диагностикаси ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада клиник материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган сўровнома, клиник, биокимёвий, гормонал тадқиқотлар, функционал тестлар, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар қўлланилганлиги, натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, олинган натижаларнинг хулосаси ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий аҳамияти шундан иборатки, биринчи марта пролактиннинг метаболик жараёнларга ва когнитив функцияга таъсири механизмлари ҳар томонлама кўриб чиқилган, гиперпролактинемия давомийлиги, унинг оғирлиги ва функционал гиперпролактинемия билан оғриган беморларда метаболик касалликларнинг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Каберголин дори воситаси ва прутняк усимлиги меваси экстракти асосидаги «Цефанорм®» фитопрепаратдан фойдаланиш схемаси ишлаб чиқилган ва ГПРЛнинг ўсимтасиз шакллари ташхислаш ва даволаш алгоритми яратилган бўлиб, метаболик ва когнитив касалликларнинг ривожланиши бу ҳолатни ўз вақтида аниқлаш ва тузатишга имкон беради. Олинган натижалар пролактиннинг юқори даражаси билан боғлиқ метаболик синдромларни даволаш стратегиясини такомиллаштириш учун ишлатилиши мумкин. Гиперпролактинемия билан оғриган беморларда когнитив касалликларни даволаш ва олдини олиш бўйича тавсиялар клиник амалиётда қўлланилиши мумкин, бу эса беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдди. Тадқиқот тиббиёт мутахассислари ўртасида метаболик жараёнлар ва когнитив функцияларни тартибга солишда пролактиннинг роли тўғрисида хабар берувчи омил сифатида карашга ёрдам беради, бу эса беморни даволашга янада кенгрок ёндашишга олиб келиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, биринчи марта пролактин даражаси, гиперпролактинемия давомийлиги ва дислипидемия ривожланиши, семизлик шунингдек, ф ГПРЛ билан оғриган беморларда нейрокогнитив фаолиятларнинг(хотира, йўналтириш, ўқиш, ёзиш, фикрлаш) бузилиш даражаси ўртасида корелляция боғлиқлик борлиги кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гиперпролактинемиянинг ўсимтасиз шакллари бўлган аёлларда метаболик гомеостаз ва нейрокогнитив функциялар ҳолатини баҳолаш, уларни даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: биринчи марта пролактиннинг метаболик жараёнларга ва когнитив фаолиятга таъсири механизмларини баҳолаш асосида функционал гиперпролактинемия билан оғриган беморларда гиперпролактинемия давомийлиги, унинг оғирлиги даражасига караб ва метаболик касалликларнинг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан

2023 йил 25 декабр 45-сон билан тасдиқланган «MMSE шкаласи ва Монреал когнитив шкаласи МоСА ёрдамида функционал гиперпролактинемия билан оғриган аёлларда нейро-когнитив касалликларни баҳолашнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИИАЭТМнинг Самарқанд филиали бўйича 20.04.2024 йилдаги 22-и-сон ҳамда Қашқадарё филиали бўйича 20.04.2024 йилдаги 85-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: пролактиннинг метаболик ва нейрокогнитив жараёнларга таъсирини ҳар томонлама ўрганиш ГПРЛдаги асоратлар патогенезини янада самарали баҳолашга ёрдам берганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 5,5-6,5 миллион сўм бюджет ГПРЛ билан оғриган беморларда углеводлар, липидлар алмашинуви ва нейро-когнитив функцияларни ўз вақтида баҳолаш билан марказий асаб тизимининг функционал асоратларини эрта босқичда аниқлаш орқали нейро-когнитив асоратларни ривожланишининг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: функционал гиперпролактинемия билан оғриган беморларда когнитив бузилишлар механизмларини тузатиш йўллари асослайдиган нейрокогнитив касалликлар ва гиперпролактинемия давомийлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 25 декабр 45-сон билан тасдиқланган «MMSE шкаласи ва Монреал когнитив шкаласи МоСА ёрдамида функционал гиперпролактинемия билан оғриган аёлларда нейро-когнитив касалликларни баҳолашнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИИАЭТМнинг Самарқанд филиали бўйича 20.04.2024 йилдаги 22-и-сон ҳамда Қашқадарё филиали бўйича 20.04.2024 йилдаги 85-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: пролактиннинг метаболик ва нейрокогнитив жараёнларга таъсирини ҳар томонлама ўрганиш ГПРЛдаги асоратлар патогенезини янада самарали баҳолашга ёрдам берганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 5,5-6,5 миллион сўм бюджет ГПРЛ билан оғриган беморларда углеводлар, липидлар алмашинуви ва нейро-когнитив функцияларни ўз вақтида баҳолаш билан марказий асаб тизимининг функционал асоратларини эрта босқичда аниқлаш орқали нейро-когнитив асоратларни ривожланишининг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: функционал гиперпролактинемия билан касалланган аёлларда метаболик ва нейрокогнитив функциялар бўйича Каберголин дори воситаси ва прутняк меваси экстрактига асосланган фитопрепарат "Цефанорм®" нинг самарадорлиги исботланганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 25 декабр 45-сон билан

тасдиқланган «MMSE шкаласи ва Монреал когнитив шкаласи MoCA ёрдамида функционал гиперпролактинемия билан оғриган аёлларда нейро-когнитив касалликларни баҳолашнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИИАЭТМнинг Самарқанд филиали бўйича 20.04.2024 йилдаги 22-и-сон ҳамда Қашқадарё филиали бўйича 20.04.2024 йилдаги 85-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: пролактиннинг метаболик ва нейрокогнитив жараёнларга таъсирини ҳар томонлама ўрганиш ГПРЛдаги асоратлар патогенезини янада самарали баҳолашга ёрдам берганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 5,5-6,5 миллион сўм бюджет ГПРЛ билан оғриган беморларда углеводлар, липидлар алмашинуви ва нейро-когнитив функцияларни ўз вақтида баҳолаш билан марказий асаб тизимининг функционал асоратларини эрта босқичда аниқлаш орқали нейро-когнитив асоратларни ривожланишининг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: функционал гиперпролактинемия билан касалланган аёлларда халқаро MMSE сўровномалари ва Монреал шкаласи ёрдамида нейрокогнитив бузилиш даражасини баҳолаш асосида касалликни ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилганлиги бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2023 йил 25 декабр 45-сон билан тасдиқланган «MMSE шкаласи ва Монреал когнитив шкаласи MoCA ёрдамида функционал гиперпролактинемия билан оғриган аёлларда нейро-когнитив касалликларни баҳолашнинг аҳамияти» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИИАЭТМнинг Самарқанд филиали бўйича 20.04.2024 йилдаги 22-и-сон ҳамда Қашқадарё филиали бўйича 20.04.2024 йилдаги 85-Т-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: пролактиннинг метаболик ва нейрокогнитив жараёнларга таъсирини ҳар томонлама ўрганиш ГПРЛдаги асоратлар патогенезини янада самарали баҳолашга ёрдам берганлиги билан изоҳланади. Иқтисодий самарадорлиги: мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган 5,5-6,5 миллион сўм бюджет ГПРЛ билан оғриган беморларда углеводлар, липидлар алмашинуви ва нейро-когнитив функцияларни ўз вақтида баҳолаш билан марказий асаб тизимининг функционал асоратларини эрта босқичда аниқлаш орқали нейро-когнитив асоратларни ривожланишининг олдини олиш натижасида иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларига кўра ГПРЛ билан оғриган аёлларни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида “MMSE тести ва Монреал когнитив бузилишлар шкаласи MoCA ёрдамида фГПРЛ бўлган аёлларда нейрокогнитив бузилишларни баҳолашнинг аҳамияти” кўлланмаси тасдиқланди. (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлигининг 2024 йил 09 сентябрьдаги 6-сонли хулосаси).

Илмий тадқиқот ишларидан олинган натижалар жорий этилган ва соғлиқни сақлаш соҳасида Акад. Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика Иختисослаштирилган Илмий-Амалий Эндокринология Тиббиёт Марказида жорий қилинган ва қўлланилмоқда, шу жумладан марказнинг Самарқанд ва Қашқадарё шаҳарларидаги филиалларида 10.05.2024 йилдаги протоколлар, хужжатлар, амалга ошириш ҳисоботлари билан тасдиқланган. Самарқандда (20 нафар бемор) бош врач, диспансер бошлиғи назорат этувчи шифокор томонидан имзоланган ва тасдиқланган ҳолда; 01.05.2024 йил Қарши (20 нафар бемор) бўлим мудирини, бошлиғини, назорат этувчи шифокори томонидан имзоланган ва тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, ҳаволалар рўйхати, 2 та илова ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг актуаллиги ва долзарблигини асослайди, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва мавзуларини тавсифлайди, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларини баён қилади, олинган натижаларнинг ишончилигини асослайди, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятини очиб беради, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, ишнинг апробацияси, натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумот беради. Адабиётлар шарҳи асосан сўнгги 10 йил ичида нашр этилган адабий манбалар, монографиялар ва илмий мақолаларга асосланган. Манбаларнинг аксарияти узоқ хориждан 156, яқин хориждан эса 25 ҳажмдаги нашрлардир.

"Аёлларда гиперпролактинемия тушунчаси ва аёлларда пролактиннинг физиологик ролини замонавий ўрганиш" диссертациясининг биринчи боби булиб, гиперпролактинемия бўйича замонавий адабиётларни ўрганишга бағишланган, унда биз ГПРЛ структурасини, фГПРЛ ривожланиш механизмларини, углевод алмашинуви ва метаболик касалликлар билан боғлиқлигини батафсил кўриб чиқдик. Шунингдек, гиперпролактинемиянинг когнитив функцияларга таъсири, эпидемиологик жиҳатлари, ушбу касалликни даволашдаги мавжуд

қийинчиликлар, фГПРЛнинг оғирлиги ва давомийлигига асосланган гомеостаздаги ўзгаришлар, шунингдек метаболик бузилишлар ва когнитив бузилишларнинг ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик тўғрисидаги мавжуд маълумотларни амалда кузатдик.

Диссертациянинг иккинчи бобида **клиник материаллар ва тадқиқот усулларининг хусусиятлари**, ўрганилаётган гуруҳларнинг асосий клиник ва анамнестик хусусиятлари, тадқиқотни лойиҳалаш ва ташкил этиш, клиник материалнинг хусусиятлари ва асосий клиник, инструментал, лаборатория ва статистик тадқиқот усулларининг тавсифи, шунингдек MMSE когнитив бузилиш шкаласи ва Монреал когнитив шкаласи (MoCA) бўйича халқаро сўровнома ўтказиш Тадқиқотнинг 1-босқичида клиник ва гормонал тадқиқотлар асосида ГПРЛ ташкил этилган 850 аёл текширилди. Аёлларнинг ёши 18 ёшдан 48 ёшгача, ўртача ёш $33,5 \pm 13,6$ ёш. 850 аёлдан 561 нафари функционал ГПРЛга эга эди. Бундан ташқари, бизнинг тадқиқотимизга киритиш мезонларига жавоб берадиган 561 нафар бемордан 200 таси танлаб олинди. Беморлар гуруҳида 92% ортиқча вазн ёки семириб кетган, 40% эса углевод алмашинувининг бузилиши ва асаб тизимининг бузилиши аниқланган. Белгиланган вазифаларга кўра, биз тадқиқотга ГПРЛнинг ўсимта бўлмаган шакллари булган беморларни киритдик. Шу билан бирга, киритиш мезонлари куйидагилар эди: функционал ГПРЛ бўлган аёллар; куриш кенглиги нуқсони булмаган ёки тўғри кўриш кескинлиги билан: 18 ёшдан 48 ёшгача булган фертил ёшдаги беморлар. Истисно мезонлари гормонал актив ва ноактив гипофиз усмалари (тиреотропиномалар, соматотропиномалар пролактиномалар), краниотомиядан кейинги ҳолатлар, нур терапиясида бўлган беморлар, дори восита қабул қилувчи ва дори воситаси тухтатилиши мумкин булмаган беморлар эди; неврологик ёки руҳий касалликларга эга беморлар; анамнезда: дори-дармонларни қабул қилиш: охириги 3 ой давомида седативлар, контрацептивлар, ёки спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш; гипотиреоз ва бошқа қалқонсимон без касалликлари булган беморлар, сур.буйрак усти бези етишмовчилиги, АКТГга боғлиқ Кушинг синдроми ва бошқа касалликлар; когнитив функцияга таъсир қилиши мумкин бўлган касалликлар ёки асоратлар.

Назорат гуруҳи 20 нафар амалий соғлом аёллардан иборат бўлиб, ўртача ёши $31,8 \pm 13,7$ ёшни ташкил этди. Ушбу гуруҳга шикоятлари, эндокрин тизим касалликлари ва соматик патологияси бўлмаган шунга ўхшаш ёшдаги аёллар киритилган.

Биз беморларни шартли равишда ПРЛ қондаги миқдорига кўра 3 гуруҳга, ёш га нисбатдан 3 гуруҳга (БЖССЖ буйича 2016й), фГПРЛ давомийлигига кура 3 гуруҳга, ва вазн индексига кура 4 гуруҳга ажратдик

1-жадвал. Ёшга қараб (БЖССЖ буйича 2016й) ва ва ПРЛ миқдорига қараб гуруҳларга булинди.

Ёши, йилларда	1 гуруҳ n=61 ПРЛ=27-	2 гуруҳ n=86 ПРЛ=35-	3 гуруҳ n=53 ПРЛ≥45	Умумий сони	Такқослаш гуруҳи n=20
---------------	----------------------------	----------------------------	---------------------------	-------------	--------------------------

	34,9нг/мл	44, 9 нг/мл	нг / мл		
18 – 29	30 (49,2%)	28 (32,6%)	13 (24,5%)	71 (35,5%)	6 (30%)
30-44	13 (21,3%)	31 (36%)	22 (41,6%)	66 (33%)	7 (35%)
45-59	18 (29,5%)	27 (33,4%)	18 (33,9%)	63 (31,5%)	7 (35%)
60-74	-	-	-	-	-
жами 200 нафар	61 (30.5%)	86 (43.5%)	53 (26.0%)	200 (100%)	20

Биз фГПРЛ билан беморларда аксарияти ёш ва ўрта ёшда учрашини аниқладик ва улар 68% (137 бемор) ташкил этди, деб топилди.

Ўрганилган 200 нафар аёлларда ПРЛ даражаси 27 дан 50 нг / мл гача эканлиги аниқланди ва ўртача $31,4 \pm 1,8$ нг/мл ни ташкил қилди. Белгиланган вазифаларга кўра, ушбу ўзгаришни ҳисобга олган ҳолда биз беморларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратдик: 1-гуруҳ-27-34, 9 нг/мл дан (61 бемор); 2-гуруҳ – 35-44, 9 нг/мл (86 бемор); 3 – гуруҳ-45 нг / мл ёки ундан кўп (53 бемор). Таққослаш гуруҳи тегишли ёшдаги 20 соғлом аёлдан иборат эди.

ГПРЛ давомийлигига қараб, беморлар шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлинган:

- 1 гуруҳ - 0 -2 йил-39,5% (79 бемор);
- 2 гуруҳ-2-4 йил-36% (72 бемор);
- 3 гуруҳ - 4 йил ёки ундан ортик давом этган ҳолат-24,5% (49 бемор)

Вазн индекси даражасига кўра, беморлар 4 кичик гуруҳга бўлинган:


- нормал тана вазни-8% (16 бемор)
- ортикча вазнлилар -17% (34 бемор)
- 1-даражали семириш-60% (120 бемор)
- 2-даражали семириш-15% (30 бемор)

Барча субъектлар умумий клиник, антропометрик, биокимёвий, гормонал ва инструментал тадқиқот усулларидан ўтдилар. Бундан ташқари, когнитив функция маҳсус халқаро анкеталар ёрдамида баҳоланди.

"ГПРЛнинг организмдаги метаболик жараёнларга таъсирини ўрганиш" деб номланган диссертациясининг учинчи бобида биз популяцияни ретроспектив ўрганиш натижаларини, шунингдек, истиқболли тадқиқот гуруҳида гиперпролактинемиянинг клиник, лаборатор ва инструментал текширувларимизни ўрганишни тақдим этамиз.


Ушбу бобда симптомлар ва хавф омилларини ўрганиш натижалари келтирилган. Энг кўп учрайдиган шикоятлар либидонинг пасайиши (85%), чарчок (80%), ҳайз даврининг бузилиши (78%) ва семириш (77%).

2-расмда 200 нафар беморларнинг асосий шикоятлари % кўрсатилган



2- расмдан кўриниб турибдики, ГПРЛ билан оғриган беморларнинг шикоятлари спектри жуда кенг, бу ерда либидонинг пасайиши, чарчок, хайз бузилиши ва ортиқча вазн биринчи ўринга чиқади. Бироқ, уларнинг ярмидан кўпи иштаҳанинг ошиши, депрессия, лакторея, қуруқ тери ва хотиранинг пасайишидан шикоят қилган.


Анамнезни йиғишда ушбу шикоятлар пайдо бўлишидан олдинги энг кенг тарқалган омиллар аниқланди, улар -3-расмда келтирилган.



3-расмдан Кўриниб турибдики, ГПРЛ ривожланишининг энг кенг тарқалган хавф омиллари стресс ҳолатлари булиб – 38% ва вирусли инфекциялар – 28% ни ташкил этади.

Барча 850 нафар аёлда бир қатор клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқотлар ўтказилди, шундан сўнг ташхис қўйилди ва шунга мос равишда ГПРЛ сабаблари аниқланди.

4-расм. Текширилган беморларда ГПРЛ сабабларининг тузилиши умуман берилган.



Биз ГПРЛ таркибида, энг катта қисми тухумдонлар поликистоз билан оғриган беморлар ташкил қилиши (18,8%), бўш турк эгари синдроми (12,1%) ва гипофиз ўсмалари (12,5%) билан беморлар ташкил қилишини аниқладик. Гипофиз аденомаси бўлган беморларда ГПРЛ сабабларини ўсимтанинг ўзи ва жарроҳлик амали, нур терапияси билан боғлиқ шароитлар ташкил қилди. Шу билан бирга, шунини таъкидлаш керакки, текширилган 850(100% деб олганда) нафар аёлнинг аксарияти 66% (561 бемор) функционал ГПРЛ билан оғриган беморлар бўлиб, уларнинг структураси алоҳида келтирилган.

5- расм. фГПРЛ структураси(561бемор ҳисобидан)



5-расмдан кўриниб турибдики, фГПРЛ сабаблари орасида тухумдонлар поликистоз(28,3%), буш турк эгари синдроми (18,3%), гипотиреоз(17,4%) тез-тез кузатилади.

Ўсмаасиз формадаги ГПРЛ билан касалланган 200 аёллар 2-бобда тасвирланган мезонларга мувофиқ кейинги тадқиқотлар учун танланди.

Тадқиқотнинг биринчи вазифасига кўра, биз гиперпролактинемия билан оғриган беморларда метаболит параметрларни (антропометрия, глюкоза, гликирланган гемоглобин, ИРИ, НОМА индекси, липид спектри) унинг даражаси ва давомийлигини ҳисобга олган ҳолда ўргандик.

Тадқиқот бошида биз фГПРЛ билан оғриган беморларнинг шикоятларини таҳлил қилдик,ва


фГПРЛли аёлларнинг умумий шикоятлари(n=200)ни 6-жадвалда кўрсатдик

	Шикоятлар	миқдори	
		сони	%
1	Йиғлоқилик	120	60,1
2	Чарчоқ	107	53,4
3	Депрессияга мойиллик	100	50
4	Иштаҳанинг кўтарилиши	92	46,7
5	Тез вазн ортиши	90	45,5
6	Уйқучанлик	88	44,3
7	Меҳнат қобилиятининг пасайиши	88	44,3
8	Хайз бузилиши	87	43,7
9	Тез-тез бош оғриб туриши	86	43,1
10	Жинсий хоҳишнинг пасайиши	85	42,6
11	Хотира пасайиши	82	41
12	Сут безларида оғрик	82	41
13	Қон босимининг ошиши (ҚБ)	78	39,1
14	Шишлар	74	37,8
15	Лакторея	53	26,5
16	Чанқаш	42	21,9
17	Жисмоний зуриқганда ҳансираш	35	17,5
18	Қонда қанд миқдорининг ошиши	30	15,5
19	Суяк ва бўғимлардаги оғриқлар	35	17,6
20	Ҳаво етишмовчилиги	15	17,5
21	Хомиладор булолмаслик	12	6,4

Бу шуни англатадики, ГПРЛ беморлари турли хил шикоятлар билан мурожаат этишади, улар орасида ноананавий, яъни метаболит ва когнитив бузилишлар устунлигини курсатувчи ва сурункали чарчоқ синдромининг ,иштаҳанинг доимий очлиги, ортикча вазн, тез чарчаш, уйқучанлик, йиғлоқилик ва депрессияга мойиллик ҳоллари, диккат ва хотиранинг пасайиши билан намоён бўлиши устунлик қилади. Чунки энг кўп учрайдиган шикоятлар чарчоқ (66,4%), йиғлаш (60%), депрессияга мойиллик (50%), ортикча вазн (45,5%),

иштаҳанинг ошиши (46,7%), уйқучанлик (44%), иш қобилиятининг пасайиши (44%). Шу билан бирга, бепуштлик (6%), лакторея (26,5%), либидонинг пасайиши (42,6%) ва хайз бузилиши (43,7%) каби ГПРЛ учун характерли ва жуда муҳим классик белгили омиллари шикоятларда биринчи ўринни эгалламайди ва касалликнинг ўрганишда яққол намоён бўлмади. Шунинг учун янглиш шикоятлар билан улар одатда терапевтлар, диетологлар, невропатологлар, кардиологлар ва оторингологлар назоратларида юришади.

Шунга кўра, биз ўрганган 561 нафар беморларда фГПРЛнинг клиник хусусиятларини ўргандик (расм.7.)



Характерли масталгия (41%), лакторея (26,5%), ХСБ (43,5%) дан, майлнинг пасайиши(57,5%) биз кузатилган беморларда фГПРЛ клиник белгилари жуда хилма-хил, деб топилди семизлик 150 нафар(75%), чап қоринча гипертрофияси -93 (46,5%), қон босими 78 (39%), тунгги апное ҳоллари 55нафар (27,5%), хуррак отиш 66 (33%), уйқусизлик (19%), депрессия (50%) ва бепуштлик апатия ҳоллари (29%) беморларда кузатилди. Клиник симптомларнинг хилма-хиллиги гипертония, семириш, турли сабаблардан келиб чиқадиган бепуштлик, депрессия каби касалликлар никоби остида кечиб, ГПРЛ яширин ривожланишига ёрдам берди. Буларнинг барчаси ташхисни кечиктиришга ва даволанишни кечиктиришга олиб келди.

ГПРЛ билан оғриган беморларнинг антропометрик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, 8,0% (16 бемор) нормал тана вазнга эга (8-жадвал.)

8-Жадвал.

ГПРЛ билан оғриган беморларда BMI кўрсаткичлари (n=200)

кг/м ²	BMI 18-24,9 Оддий BMI	BMI 25-29,9 Ортиқча тана вазни	BMI 30-34,9 семизлик 1- даража	BMI 35-39,9 семизлик 2- даражал
Беморлар сони	16 (8,0%)	34 (17,0%)	120 (60%)	30 (15%)

8-жадвалдан кўриниб турибдики. 92,0% (n=184) аёллар 25 кг/м² юқорида бир BMI, 17% (n=34) ортиқча вазли, 60% (n=120) 1- даражали семизликда, ва 15% (n=30) 2- даражали даражали семизлик кузатилди. Шу билан бир вақтда, 16 (8%) беморлар нормал BMI оралиғида эга эди.

Дастлаб гиперинсулинемия билан оғриган беморлар, шунингдек гиперинсулинемия ва гипергликемия билан оғриган беморлар қоннинг атероген потенциалнинг ошиши билан ажралиб турди, бу паст зичликдаги липопротеидлар (ЗПЛП) ва жуда паст зичликдаги липопротеидлар (ЗЖПЛП) концентрациясининг ошиши билан намоён бўлади, шунингдек, юқори зичликдаги липопротеидларнинг (ЗЮЛП) қонда псайиши кузатилди. Қон липид спектрида ўзгаришлар репродуктив ёшда ГПРЛ билан оғриган беморларнинг 62%да ва перименопаузага аёлларнинг 76% кузатилди. Гиперлипидемия турлари Ia, Ib ва IV- типлари учун ГПРЛ билан оғриган беморларга энг хосдир. Шуни таъкидлаш керакки, агар репродуктив ёшда ГПРЛ билан оғриган беморларда Ia ва Ib типидagi дислипидемия устунлик қилган бўлса, перименопаузал ёшда бу нисбат IV турдаги дислипидемияга ўтади

9-жадвал.

ГПРЛли аёлларда липид ва углевод алмашинувининг ҳолати (n = 200)

Кўрсаткичлар	Кийматлар курсаткичи	Миқдор	
		сони	%
BMI ортиши	≥27	184	92
ЗЮЛПкутарилиши	≥1,3-1,6	148	74
Бел айланаси(БА) ошиши	≥80	146	73
Сон айланаси(СА)ошиши	≥90	138	69
Юқори ПРЛ	≥35	129	64,5
Триглицеридлар(ТГ)кутарилиши	≥1,7	128	64
БА/СА ошоши	≥0,88	127	63,5
ЗЖПЛПкутарилиши	5,6-6,8	117	58,5
Гиперинсулинемия	≥26≤36	111	55,5
Умумий холестерин (УХ)баландлашуви	5.3-6.1	110	55
ЗПЛПкутарилиши	5,5-6,0	92	46

Углевод алмашинувининг бузилиши	≥6,1	81	40,5
Ўртача кўтарилган ПРЛ	≥24,9 - 35 61	61	30,5
ВМИ меъёридан ошиши	≤25	16	8
Hb Aс1 кутарилиши	≥6,5	12	6

Биз фГПРЛ билан касалланган 200 аёлдан олинган маълумотларга кўра, триглицеридлар (64%), жуда паст зичликдаги липопротеинлар (ЗЖПЛ) (58,5%) ва паст зичликдаги липопротеинлар (ЗПЛП) (46%), холестерин (ХС) (55,5%) кўпайиши билан тавсифланган дислипидемия (91,6%). Шу билан бирга, 40,5% (81 бемор) углевод алмашинувининг бузилишини аниқладик, уларнинг 24%(48 бемор)да очликдаги гликемияни бузилиши, 11% (22 бемор) глюкозага толерантликнинг бузилиши ва кандли диабетнинг янги аниқланиш холатлари 5,5% (11 бемор) ни ташкил этди.

Кейинчалик, биз ВМИга қараб углевод ва липид алмашинувининг кўрсаткичларини ўрганиб чиқдик. Углевод алмашинувининг бузилиш баҳолаш нахорги (очликдаги)гликемия, инсулин ва гликирланган гемоглобин даражаси, шунингдек НОМА индекси бўйича амалга оширилди, биз натижаларини 10-жадвалда келтирдик.

10-жадвал. Гиперпролактинемияли аёлларда углевод алмашинувининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	нормал ВМИ n=16	Ортиқча вазн n=34	Семизлик 1- 2 даража n= 150	назорат, n=20
Очликлик гликемияси (ммол / л)	4,7 ± 1,3	5,46 ±0,3*	5,9±1,8*	5,1 ±1,1
Инсулин мкЕд/мл	12,1±1,4	19,2±1,3***	27,9±1,5***	9,1±1,
Hb Aс1%	5,1±0,6	5,5±0,6	6,1±0,9	5,2±0,2
НОМА индекси	2,5 ± 0,7	4,9±0,5**	7,3±1,8***	2,06±0,4

эслатма: назорат билан солиштирганда кўрсаткичлар фарқининг статистик аҳамияти: * p<0,05; ** p<0,01; *** p < 0,001

Натижалар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳига нисбатан ГПРЛ ва ортиқча вазнли беморлар гуруҳида очлик глюкоза ва гликирланган гемоглобиннинг сезиларли даражада юқори даражаси топилган. ГПРЛ ва ортиқча вазнли беморларда ўртача инсулин даражаси ҳам назорат гуруҳига қараганда анча юқори эди. НОМА индексини ҳисоблаш ГПРЛ билан оғриган беморларда ортиқча вазн ва семириб кетган беморларда сезиларли ўсишни кўрсатди, бу ГПРЛ билан текширилган беморларда инсулинрезистентлик мавжудлигини кўрсатади.

Липид спектрини ўрганиш шуни кўрсатдики, ГПРЛ ва ВМИ 25,0 кг/м² бўлган беморларда липид спектридаги ўзгаришлар аниқланган.

11-жадвалда ВМИга қараб ГПРЛ билан оғриган аёлларда липид спектри кўрсатилган

Курсаткичлар	Меъёрий ВМИ n=48	Ортиқча вазн n= 50	Семизлик1-2 даража n= 150	назорат, n=20
Холестерин, ммоль/л	4,7±0,6	5,4±0,4*	5,6±0,3*	4,4±0,3
ТГ, ммоль/л	1,4±0,3	3,1±0,3***	3,8±0,6***	1,2±0,1
ЗПЛП	2,9±0,5	3,7±0,5***	4,1±0,8***	2,2±0,2
ЗЖПЛП	0,71±0,09	0,9±0,03	1,1±0,02	0,65±0,03
ЗЮЛП	1,4±0,04	1,1±0,002*	0,91±0,003**	1,5±0,05
Атероген.коэф.	2,4±0,5	4,1±0,3*	4,7±0,7**	2,1±0,2

эслатма: назорат билан солиштирганда кўрсаткичлар фарқининг статистик аҳамияти: * - p<0,05; ** - p<0,01; *** p < 0,001

Текширувлар шуни кўрсатадики, 1-2 даража ортиқча вазнли ёки семириб кетган ГПРЛ билан оғриган беморларда назорат гуруҳига нисбатан қон зардобида умумий холестерин ва триглицеридларнинг юқори даражаси аниқланган. Назорат гуруҳига нисбатан ўрганилган ортиқча вазнли ва семиз аёлларда ЗЮЛПқийматлари сезиларли даражада камайди. ЗПЛП ва ЗЖПЛП каби липид спектри индексларини ўрганиш назорат гуруҳига нисбатан семиз ва ортиқча вазнли беморларнинг 16,9 % уларнинг даражаси ошганлигини кўрсатди. Ўрганилган гуруҳларда атерогенлик коэффицентини ўрганиш унинг ортиқча вазнли ва семиз беморларда сезиларли ўсишини кўрсатди.

Биз ГПРЛнинг оғирлигига қараб метаболик касалликларни ўрганишни бошладик. Адабиёт маълумотларига кўра, ҳозирда ГПРЛнинг метаболик жараёнларга таъсири тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Метаболик касалликларда ГПРЛнинг ролини чуқурроқ тушуниш учун биз ГПРЛнинг оғирлиги ва давомийлигига қараб углевод ва ёғ алмашинувининг бузилишини ўрганишга киришдик.

Зардобдаги пролактин даражаси бўйича метаболик жараёнларда ГПРЛ кескин кутарилиши даражасини ўрганиш учун беморлар шартли равишда уч гуруҳга бўлиб ургандик: 1 – гуруҳ – 27-34, 9 нг/мл дан (61 бемор); 2 – гуруҳ– 35-44, 9 нг/мл (86 бемор); 3-гуруҳ–45 нг/мл ёки ундан кўп (53 бемор) .

12-Жадвалда биз ушбу беморларнинг умумий кўрсаткичларини ГПРЛнинг оғирлигига қараб гуруҳ бўйича бердик

Кўрсаткичлар	1gr,n=61 27-34,9нг/мл	2gr,n=86 35-44,9нг/мл	3gr,n=53 ≥45нг/мл	Назорат, n=20
Ёши	40.7±6.54	33.1±2.62	29.9±3.18	34,5±3.25
ВМИ	31,5±2.46*	28.1±3.23*	33.7±2.59*	23.7±1.5
Б/А	92±1,5*	98±2,2**	101±2,5***	80±2,1

С/А	112±1,7	120±1,3*	122±1,9*	112±1,6
СҚБ	118±2,5	125±3,4	130±4,8*	115±4,8
ДҚБ	71±2,5	78±3,4	85±5,1*	72±4,8

эслатма: кўрсаткичлар фарқининг назоратга нисбатан статистик аҳамияти: *- p<0,05; ** - p<0,01; ***p<0,001

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, пролактиннинг энг юқори даражаси 29,9±3,18 ёшда бўлган беморларда ёшнинг ўсиши билан ГПРЛхолатлари камайиб бораверди, (1-гуруҳ - 40,7±6,54 ёш, 3-гуруҳга нисбатан - 29,9±3,18 ёш, p <0,01). Ўртача ВМИ қийматлари барча 3 та гуруҳида юқори еди. Назоратга келсак, энг юқори кўрсаткичлар 3-гуруҳда топилган - 33,7±2,59, p<0,01.

Пролактин даражасининг ошиши билан қон босимининг ортиши кузатилади, шунинг учун 1 гуруҳда СҚБ даражаси 28,5±2,46 ммс.у.т, 2-гуруҳда - 125±3,4 мм/с.у.т, 3-гуруҳда - 130±4,8 мм/с.у.т (p 1-3<0,05).

Кейинчалик, ушбу тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ, беморларнинг углевод алмашинувини баҳолаш ГПРЛ оғирлигига қараб гуруҳларда таҳлил қилинди (13-жадвал).

Кўрсаткичлар	1гр, n=61 27-34,9нг/мл	2гр, n=86 35-44,9нг/мл	3 гр, n=53 ≥45нг/мл	Назорат, n=20
Очлик гликемияси ммол/л	5.1±0.67	6.1±1.6	5.1±1.3	5,1 ±1,1
Инсулин, мкЕд/мл	16.3±4.53**	21.4±4.83***	29.6±5.45***	9,1±1,2
НbАс1(%)	5.74±0.52	6.07±0.87	6.36±0.61	5,2±0,2
НОМАи	3.69±1.77*	5.82±1.84***	6.7±1.9***	2,06±0,4

эслатма: назорат билан солиштирганда кўрсаткичлар фарқининг статистик аҳамияти: *- p<0,05; ** - p<0,01; *** p < 0,001

13-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, гликемик индекслар уртача ошган ва тургунГПРЛ гуруҳларда юқори курсаткичга эга(1гр. -5.1±0.67 ммол / л; 2гр. -6.1±0.60 ммол / л; 3гр. -5.1±1.3 ммол / л). Худди шу тенденция гликирланган гемоглобинга нисбатан ҳам кузатилган. Шу билан бирга инсулин даражаси (1гр. -16.3±4.53 мкед / мл, p<0,01; 2гр. - 21.4±4.83 мкед / мл, p<0,001; 3гр. -29.6±5.45 мкед/мл.p<0,001) НОМА индекси (1гр. -3.69±1.77, p<0,05; 2гр. -5.82±1.84, p<0,001; 3гр. -6.7±1.97, p<0.001) барча гуруҳларда назорат билан таққослаганда анча юқори бўлган ва ГПРЛ ҳолати чуқурлашиши билан ошиб борди.

ГПРЛ баландлиги даражаси организмнинг метаболик жараёнларига таъсирини баҳолаш учун биз беморларнинг липид спектрини гуруҳлар бўйича ҳам ўрганиб чиқдик .

14-жадвал, Беморларнинг липид спектрини ГПРЛ даражасига қараб гуруҳлар бўйича баҳолаш

Кўрсаткичлар	1 гуруҳ, n=61 27-34,9нг/мл	2 гуруҳ, n=86 35-44,9нг/мл	3 гуруҳ, n=53 ≥45нг/мл	назорат n=20
Холестерин, ммол/л	5.06±0.73*	5.82±1.03**	6.2±1.80***	4,4±0,3
ЗПЛП, ммол/л	2.79±0.75	3.05±0.86**	3.46±0.97**	2,2±0,2
ЗЖПЛП, ммол/л	1.06±0.28	1.23±0.36**	1.34±0.48**	0,65±0,03
ЗЮЛП ммол/л	0.81±0.61*	0.64±0.81**	0.59±0.15***	1,5±0,05
ТГ, ммол/л	1.79±0.97	2.52±1.03**	3.12±1.02***	1,2±0,1
Атерогенлик коеф.	3,4±0,5	4,1±0,3*	5,1±0,7**	2,1±0,2

эслатма: назорат билан солиштирганда кўрсаткичлар фарқининг статистик аҳамияти: * - p<0,05; ** - p<0,01; *** p < 0,001

14-жадвалдан кўриниб турибдики, барча гуруҳларда ўртача умумий холестерин қийматлари назорат билан солиштирганда анча юқори бўлган (1гр. -5.06 ± 0.73 ммол/л, p<0.05; 2гр. -5.82 ± 1.03 ммол/л, p<0.01; 3гр. -6.2± 1.80 ммол / л, p<0.001). ТГ нинг ўртача қийматларига ПРЛ кутарилишига қараб ошиб борганлиги маълум бўлди. (1-гр-1.79 ± 0.97 ммол/л; 2гр. -2.52 ± 1.03 ммол/л, p<0.01; 3гр. -3.12 ± 1.02 ммол / л, p < 0.001).

Ўртача ЗЮЛП қийматлари барча бемор гуруҳларидаги назоратга нисбатан анча паст эди (1гр. -0.81 ± 0.61 ммол/л, p<0.05; 2гр. -0.64 ± 0.81 ммол/л, p<0.01; 3гр. -0.59±0.15 ммол/л, p<0.001.) Ўртача ЗПЛП қиймати назорат билан солиштирганда 2 ва 3-гуруҳларда сезиларли даражада юқори эди. ЗЖПЛП 2 ва 3-гуруҳларда бошқарувга нисбатан анча юқори, аммо нормал диапазонда. Шундай қилиб, функционал гиперпролактинемия билан оғриган беморларга хос бўлган дислипидемия аниқланди. Гиперпролактинемиянинг баландлиги барча гуруҳларда топилган ва ПРЛнинг ўртача қийматлари ошгани сайин , гиперпролактинемиянинг оғирлиги ВМИ, инсулин даражаси, НОМА индекси, дислипидемия каби метаболик жараённинг кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ бўлган.

